

ҚУВАЙТ ДАВЛАТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ
ХИЗМАТИ



ЯНГИ ТУРДАГИ
ТОЖСИМОН ВИРУСГА
(COVID19) ҚАРШИ
ҲИМОЯ

Вирусдан сақланиш йўриқномаси

Тожсимон вируснинг (COVID19) юқиш

йўллари:



01

Бемордан **йўтал ёки аксириш** пайтида учиб чиқувчи томчилар орқали тўғридан-тўғри юқиш;

Тўғридан-тўғри юқмасдан, ифлосланган юзаларни ва жисмларни ушлагандан кейин оғиз, **бурун ёки кўзни ушлаш**;

02

03

Вирусдан касалланганлар орасига бевосита аралашиш.



Тожсимон вирус (COVID19)

юққанида юзага
келадиган белгилар:



- қуруқ йўтал



- чарчоқ



- иситма

Баъзи беморларда бошқача белгилар ҳам
кузатилиши мумкин:

- бурун битиши
ёки оқиши;



- қийналиш ва
оғриқ;



- нафас олишнинг
қийинлашиши.



- томоқ оғриғи;



Янги тожсимон вирусдан сақланиш йўллари:

Қандай қилиб тожсимон
вирус (COVID19)
инфекциясининг олдини
олиш мумкин?

- қўлларни мунтазам совунлаб
ювиш;



- йўталганда ва аксирганда
оғиз ва бурунни ёпиш;




- гўшт ва тухум маҳсулотларини
яхшилаб пишириш;



- йўталиш ва аксириш каби нафас йўли
касаллик белгилари кўринаётган
ҳар қандай одам билан бевосита
алоқа қилишдан
четланиш.





**Тожсимон вирус (COVID 19)
аниқланган минтақаларга сафар
қилувчиларга ТАВСИЯЛАР:**

- **ҳайвонларни**, у хоҳ тирик бўлсин,
хоҳ ўлик бўлсин, уларни **ушламаслик**,
уларнинг **озиқ-овқат маҳсулотларидан**
ва ҳайвон савдоси бўладиган
жойлардан **четланиш**;

- **нафас йўлида касаллик аломатлари бўлган
одамлар билан алоқа қилмаслик.**

**Агар нафас йўллари касалликлари
юққани аломатлари
пайдо бўлса:**

● - **уйда қолиш** ва
бошқалар билан аралашишдан
четланиш; ● - **касаллик**
белгилари **мавжуд бўлганда**
сафар қилмаслик;

● - **қўлларингизни** камида
20 сония давомида совун ва
бошқа

● - **йўталганда ва аксирганда**
оғиз ва бурунни
рўмолча билан **ёпиш**;

● - **дарҳол тиббий ёрдам**
чақириш.

тозалаш воситаси билан ювиб,
топ-тоза тутиш;

Қўлларни ювишнинг энг тўғри йўли



1
Совун кўпигини
қўлингизнинг ҳамма
жойига етказинг;



2
Кафтларингизни
бир-бирига
ишқаланг.



3
Бармоқларингизни
бир-бирига киритиб
ишқаланг;



4
Ўнг қўл
бармоқлари билан
чап қўлнинг кафти ҳамда
бармоқларнинг ички
ва орқа томонларини
ишқаланг;



5
Башмалдоғингизни
кафт билан
ишқаланг.



6
Ўнг қўлингизни
чап қўл кафтига бармоқ-
лар киришадиган қилиб,
айланма ҳаракатда
ишқаланг;



7
Қўлларингизни қуритинг.

Қўлларни қачон ювиш керак?

Овқатланишдан
аввал.



Овқат тайёрлашдан
олдин, тайёрлаётганда
ва ундан кейин.



Беморга ғамхўрлик
қилишдан олдин
ва кейин.



Йўтал ва
аксиргандан
кейин.



Чақалоқ тагликларини
алмаштиришдан
кейин.



Ҳожатхонадан
чиқгандан
кейин.



Ҳайвонларни
ушлагандан
кейин.



Ахлатга
теккандан
кейин.




Нафас йўлида тожсимон вирус аломатлари пайдо бўлган ҳолатдаги муҳим маслаҳат:

Охириги икки ҳафта ичида тожсимон вирус ҳолатлари қайд этилган давлатлардан бирига сафар қилганда нафас олишда қийинчилик сезилса, нима қилиш керак?



ТИББИЙ НИҚОБ ТАҚИШ



ЭНГ ЯҚИН ШИФОХОНАГА БОРИНГ

Инфекцияни камайтириш учун аксириш маданияти



-тирсакни букиб,
юзни қўл билан
ёпинг;



-йўталганда ва
аксирганда
қоғоз
салфеткадан
фойдаланинг;



-қўлингизни илиқ сувда
совунлаб ювинг;



-аксиришдан иложи
борича тезроқ
халос бўлинг;



**ТАРҚАЛГАН
УМУМИЙ**

**САВОЛЛАРГА
ЖАВОБЛАР**

1. Мен тожсимон вирус ҳолати қайд қилинган давлатларнинг биридан келяпман. Ҳароратим баланд, нафасим сиқилипти. Нима қилишим керак?

– Энг яқин шифохонага мурожаат қилинг.

2. Тожсимон вирус қандай пайдо бўлади?

- Бу вирус юққан одамдан соғлом одамга қуйидаги ҳолатларда юқади:
- Аксириш, йўтал ва нафас чиқариш пайтида оғиз ва бурундаги томчилар орқали;
- Томчилар билан микробланган кишининг юзаларини ёки жисми ушлаб, кейин ўша қўл билан кўз, бурун ёки оғизни ушлаш;

3. Тожсимон вирусга қарши зардоб (вакцина) борми?

Ҳозирча бу вирусга қарши зардоб йўқ, чунки бу янги вирус бўлиб, шу пайтгача фанга маълум эмас эди. Ҳозирги кунда вакцина ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

4. Тожсимон вирусга қарши муолажа борми?

Тожсимон вирус сабабли юзага келаётган касалликка қарши бирор муайян муолажа йўқ. Лекин унинг баъзи аломатларини (симптомларини) муолажа қилиш мумкин. Шунингдек, беморга клиник муолажа қўлланилади.

5. Тожсимон вирусни антибиотиклар билан даволаш мумкинми?

Йўқ, антибиотиклар вирусларга қарши қўлланилмайди. Улар фақат бактериал инфекцияларга қарши фойда беради. Антибиотиклар тожсимон вирусдан сақланиш ёки даволаниш учун восита сифатида ишлатилмаслиги керак.

6. Аксириш ва йўтал натижасида ҳосил бўладиган томчилардан узоқлашиш учун қанчалик масофа сақлаш лозим?

Аксириш ва йўтал натижасида ҳосил бўладиган ҳаво томчиларидан четлашиш учун ўзингиз билан бошқалар орасида, айниқса юқори нафас олиш йўлларида инфекцияларидан азият чекаётган шахслардан тахминан **1 метр** масофа сақлашингиз лозим.




7. Бурунни тузли эритма билан мунтазам равишда чайиб туриш тожсимон вирус юқишидан сақланишга ёрдам берадими?

Йўқ, бурунни тузли эритма билан мунтазам чайиш тожсимон вирусдан ҳимоя қилиши ҳақида илмий далил йўқ. Бурунни тузли эритма билан мунтазам чайишнинг шамоллашни даволашда фойдаси борлиги ҳақида далиллар бор. Лекин бурунни мунтазам чайиш нафас йўли касалликларидан сақлаши исботланмаган.

8. Тожсимон вирус инфекциясидан сақланиш учун оғизни ғарғара қилиб чайиш ёрдам берадими?

Йўқ, тожсимон вирус инфекциясидан сақланиш учун оғизни чайиш кераклиги ҳақида ҳеч қандай илмий далил йўқ.




9. Ўзимни тожсимон вирусдан ҳимоя қилиш учун тиббий ниқоб тақишим керакми?

Тиббий ниқобни тақиш нафас олиш йўли орқали юқиши мумкин бўлган баъзи касалликларнинг тарқалишини чеклашда ёрдам беради. Шу билан бирга, ниқобнинг ёлғиз ўзидангина фойдаланиш инфекцияни тўхтатиш кафолатини бермайди. Бошқа профилактика чораларини ҳам бирга қўллаш лозим. Жумладан, қўл ва нафас тизими гигиенасига риоя қилиш, ўзингиз билан нафас олиш йўлининг юқумли касалликларидан азият чекаётганлар орасида хавфсиз масофани сақлаш зарур. Энг оз масофа **1 метр** ҳисобланади. Тиббий ниқобларни қўллашда исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тожсимон вирус билан касалланган, деб тахмин қилинган ёки исботланган шахслар ҳамда уларнинг парваришида турган тиббиёт ходимлари ва мулоқот қилувчиларга тиббий ниқоблардан фойдаланишни тавсия қилади.

10. Тожсимон вируснинг касаллик ҳолати билан грипп ёки совуқ циклдаги касаллик ҳолатлари орасида қандай фарқ бор?

Тожсимон вирус, грипп ва совуқ циклдаги касалликларнинг аломатлари (симптомлари) ўхшаш бўлиши мумкин. Бемор иситма, йўтал ва бурун оқишидан азият чекади. Лекин фақатгина зоҳирий аломатларга асосланиб, микроб турини аниқлаш қийин. Тожсимон вирусини тасдиқлаш учун лаборатория текширувлари ўтказилиши керак. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йўтал, иситма ва нафас олишдан қийналаётган ва ўтган 14 кун ичида мамлакат ташқарисида сафар қилган ёки икки ҳафта давомида мусофир бўлган кишилар билан алоқада бўлган шахсларга эртароқ тиббий ёрдам сўраб, мурожаат қилишларини тавсия этади.



11. (Қўл ювгичнинг ёнида ўрнатилган) қўл қуритгичлар 30 сония ичида тожсимон вирусни йўқ қилади, деган гап тўғрими?


Йўқ, қўл қуритгичлар тожсимон вирусни йўқ қила олмайди. Ўзингизни тожсимон вирусдан ҳимоя қилиш учун ҳар доим қўлларингизни спиртли, дезинфекцияловчи воситалар билан артиб тозалашингиз ёки уларни совунли ва сув билан ювишингиз, сўнг қўлларни қоғоз сочиқ ёки иссиқ ҳаволи қуриткич билан тамоман қуритишингиз керак.

12. Ультрабинафша нурлар билан дезинфекцияловчи чироқлар тожсимон вирусни йўқ қила оладими?

Қўл ёки терининг бошқа қисмларини дезинфекциялаш мақсадида ультрабинафша нурли чироқлардан фойдаланмаслик керак, чунки бу нурлар терида аллергия келтириб чиқариши мумкин.

13. Танага спирт ёки хлор пуркаш тожсимон вирусни йўқ қила оладими?

Йўқ, танага спирт ва хлорни пуркамаслик керак. Улар танага кирган вирусларни йўқ қила олмайди. Аксинча, улардан фойдаланиш кийим, кўз ва оғиз учун зарарли бўлиши мумкин. Спирт ва хлордан фойдаланиш тавсия этилган ўринларда қўлланилса, спирт юзаларни дезинфекциялаш учун фойдали бўлади.




14. Тожсимон вируси нақд пул ёки пластик карталар орқали юқиши мумкинми?

Тангалар, қоғоз пуллар ёки пластик карталарни ушлаш натижасида тожсимон вирус юқиш хавфи жуда паст. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг дастлабки маълумотлари вируснинг атиги бир неча соат яшаши мумкинлигини кўрсатади. Тожсимон вирус шу касаллик юққан киши йўталган ёки аксирганда чиққан ҳаво орқали ёки у ушлаган нарсага тегилган пайтда юқиши мумкин. Шунинг учун спиртли восита билан ёки камида 20 сония совун билан ишқалаб ювиш орқали қўлни тозалаш қоидаларига қаттиқ амал қилиш керак. Вирус юққан одам теккан нарсалардан вирус юқиш эҳтимолини камайтириш учун уларни сув билан ювиш керак.

15. Тожсимон вирус узоқ масофаларга ҳаво орқали тарқалиши мумкинми?

Йўқ, тожсимон вирус узоқ масофаларга ҳаво орқали тарқалмайди. Бу вирус асосан йўталган ёки аксирган пайтда касал одамнинг оғзидан ёки бурнидан сачраган томчилар орқали юқади. Бу томчилар оғир бўлгани учун ҳаво орқали узоқ масофаларга етиб бориши мумкин эмас. Лекин ўша йўтал ёки акса уришдан сачраган томчилар теккан сиртга ёки нарсага тегиб, кейин қўлини кўзга, оғизга ёки бурунга теккизган одамга ҳам юқиши мумкин. Шунинг учун қўлларни спиртли воситаларда тез-тез тозалаш ёки уларни совун билан ювиб туриш керак.




**16. Ишлатилган ниқобларни қайта ишлатиш мумкинми?
Ниқобларни қўлни дезинфекциялаш воситаси билан
дезинфекция қилиш мумкинми?**

Йўқ, ишлатилган ниқобларни қайта ишлатиш ёки ишлатилгандан кейин дезинфекциялаш мумкин эмас. Нафас йўли юқумли касаллигига чалинган, жумладан, тожсимон вирус юқтириб олган киши билан мулоқотда бўлсангиз, ниқобнинг ташқи тарафига инфекция тушган бўлади. Шунинг учун ниқобнинг ўша ташқи тарафига қўл теккизмай туриб, ундан халос бўлиш керак. Ниқобни ечгандан кейин қўлларни спирт билан ишқалаш ёки совунлаб ювиш шарт.

**17. Ҳомиладор аёллар тожсимон вирус инфекциясига
кўпроқ мойил бўладими ёки инфекция асоратлари
уларга кўпроқ таъсир қиладими?**

Ҳомиладор аёлларнинг тожсимон вирусга чалиниш эҳтимоли кўпроқ экани ёки инфекция асоратларига кўпроқ мойил экани ҳақида аниқ тасдиқланган илмий-тадқиқотлар ҳулосаси йўқ. Лекин умуман олганда, ҳомиладор аёлларда иммунитет бироз пасайиши ёки бошқа физиологик ўзгаришлар кузатилади, натижада улар нафас йўллари инфекциясига нисбатан кўпроқ заифлашиб қолиши мумкин. Шунинг учун гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда бу вируснинг уларга юқишидан эҳтиёт бўлиш керак: қўлларни доим ювиб юриш, касалланганлардан четланиш керак.




18. Тожсимон вирус чивин ёки бошқа ҳашаротларнинг чақиши орқали юқиши мумкинми?

Йўқ, чивин ёки бошқа ҳашаротларнинг чақиши орқали тожсимон вирус юқиши мумкин эмас. Ҳозирча бу вируснинг чивин чақиши орқали юқиши мумкинлигига ишора қиладиган илмий далиллар учрамади.

19. Карантин даврини тугатган одам тожсимон вирусни бошқаларга юқтириши мумкинми?

Карантин – юқумли касалликка чалинган бир ёки бир неча одамни ушбу касаллик ёйилишининг олдини олиш мақсадида бошқалардан ажратиб қўйишдир. Одатда карантинга юқумли касалликнинг инкубацион даври давомида амал қилинади. Тожсимон вирус учун карантин муддати 14 кун. Карантин даврида соғлом бўлган одам бошқалар учун вирус манбаи ҳисобланмайди.




20. Иссиқ об-ҳаво тожсимон вирус тарқалишини тўхтата оладими?

Об-ҳаво ва ҳарорат тожсимон вируснинг тарқалишига таъсир қиладими, йўқми – ҳали маълум эмас. Грипп каби баъзи бошқа вируслар совуқ ойларда кўпроқ тарқалади. Аммо бу бошқа ойларда ушбу вируслар юқмайди, дегани эмас. Айти пайтда, об-ҳаво исиб кетганда тожсимон вируснинг тарқалиши камаядими, йўқми – ҳали номаълум. Бу борада тадқиқотлар давом этмоқда.


21. Тожсимон вируснинг болалардаги аломатлари катталарникидан фарқ қиладими?

Тожсимон вирус инфекциясининг болалардаги белгилари катталарникидан деярли фарқ қилмайди: ҳарорат кўтарилади, бурун оқади, йўтал тутади.



Уйда карантинда бўлганлар ва уларнинг оила аъзоларига маслаҳатлар:


- белгиланган карантин даврида уйдан чиқмаслик ва тиббиёт гуруҳининг тавсияларига риоя қилиш;
- имкон қадар уйдаги бошқа кишилардан ҳам узоқроқда, алоҳида хонада қолиш афзал;
- иложи бўлса, алоҳида ҳаммомдан фойдаланиш керак;
- бошқа одамларга яқин бўлганингизда, масалан, бир хонада турганда ниқоб тақинг;
- аксириш ва йўталиш одобларига риоя қилинг: бурун ва оғизни салфетка билан ёпинг, сўнг уни оғзи ёпиқ идишга ташлаб, тезда қўлларни ювинг;
- қўлни совун билан камида 20 сония ювинг, таркибида камида 60 фоиз спирти бор антисептик воситалар билан тозаланг, бир-бирига ишқаланг, шунда қўлнинг барча юзалари тоза бўлади;
- қўллар ифлосланса, совунлаб ювинг.
- ювилмаган қўл билан кўз, бурун ва оғизни ушламанг;
- шахсий уй-рўзғор буюмларидан, масалан, тарелкалар, стаканлар, сочиқлар, ўрин-кўрпалардан умумий фойдаланмаслик керак, бу рўзғор буюмларидан фойдалангандан кейин уларни албатта совун билан яхшилаб ювинг;
- тез-тез ишлатиб туриладиган нарсаларнинг, масалан, компьютерлар, эшик тутқичлари, телефонлар, ҳаммом жиҳозлари ва ҳоказоларнинг барча юзаларини ҳар куни тозаланг; қон ёки тана суюқликлари текиши мумкин бўлган юзаларни ҳар куни тозаланг;
- юқори ҳарорат, бурун оқиши ва йўталиш каби аломатларга ҳушёр бўлинг. Агар улардан бирортаси пайдо бўлса, дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилинг;
- тожсимон вируснинг аломатлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар бўлса ҳам, тиббиёт ходимларига мурожаат қилинг.



Уйида тожсимон вирус бўйича карантин муддатини ўтаётганлар ва уларнинг оила аъзолари учун саломатлик бўйича тавсиялар:

тавсиялар:

- оила аъзолари имкон қадар уй карантини остида бўлган шахснинг хонасидан бошқа хонада бўлишлари керак;
- оила аъзолари имкон қадар алоҳида хобхона, алоҳида ҳаммомдан фойдаланиши керак;
- жиддий зарурат бўлмаса, уйга меҳмонлар келмай туриши керак;
- уйдаги умумий хоналарда доим тоза ҳаво бўлишини таъминланг;
- кондиционер ишлатинг ёки ҳаво яхши бўлса, деразани тез-тез очиб, хоналарни шамоллатиб туринг;
- қўлларнинг тозалигига эътибор беринг, уларни камида 20 сония давомида совунлаб ювинг ёки таркибида 60 фоиз спирти бор воситадан фойдаланинг. Қўлни ювганда барча юзаларини сув билан қоплаб, бир-бирига ишқаланг. Ювилмаган қўл билан кўз, оғиз ва бурунни ушлаш мумкин эмас;
- карантиндаги одам билан бир хонада мулоқот қилганда тиббий ниқоб тақинг;
 - тупук, балғам, бурундан чиққан шиллиқ модда, қайт ёки пешоб теккан жойларни фақат қўлқоп билан тозаланг;
- тиббий ниқоб ва қўлқопларни ишлатиб бўлгач, дарҳол ечиб ташлаб, қўлларни совунлаб ювинг ёки таркибида спирти бор санитария воситасидан фойдаланинг;
- тиббий ниқоб ва қўлқопларни қайта ишлатиш мумкин эмас; карантиндаги кишининг танасидан чиққан ҳар қандай суюқлик теккан ўрин-кўрпа ёки кийимларни ювинг, ифлосланган нарсаларни қўлқопсиз ушланг, қўлқопни ечгандан сўнг қўлларни тезда ювинг;
- ишлатилган барча тиббий ниқоб ва қўлқопларни алоҳида халтага ёки усти ёпиқ идишга солинг ва тиббий гуруҳнинг уларни йўқ қилиш ҳақидаги кўрсатмаларига риоя қилинг.



Бу тавсиялар – тиббиёт мутахассисларининг тавсиялари бўлиб, уларга риоя қилиш Аллоҳ таолога таваккул қилишнинг биринчи шартидир. Таваккулнинг биринчи шarti – сабабларни таъмин қилишдир. Ушбу сабабият дунёсида сабабларни таъминламай туриб, таваккул қилиб бўлмайди. Таваккулнинг иккинчи шarti эса Аллоҳ таолонинг қазои қадарига иймон келтириш, ўзини ҳам, барча ишларини ҳам Аллоҳ таолога ҳавола қилиб, У Зотга чин дилдан, холис дуо қилиб, ёлворишдир. Қуйида эътиборингизга бир нечта набавий дуолар ва зикрларни ҳавола этамиз. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳам, ундан кейин ҳам одамлар дард чекканлар, юқумли касалликларга чалинганлар. У зот алайҳиссалом улардан сақланиш, фориф бўлиш йўлларини баён қилганлар, турли дуо-зикрларни ўргатганлар.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبَرَصِ، وَالْجُنُونِ، وَالْجَدَامِ، وَمِنْ سَيِّئِ الْأَسْقَامِ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳумма, иннии аъузу бика минал бароси вал жунууни вал-жузаами ва саййи'ил-асқом», дер эдилар». Абу Довуд ва Насоий ривоят қилганлар.

* Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Менга песлиқдан, жинниликдан, моховдан ва ёмон дардлардан паноҳ бер».


خَلَقَ مَا شَرَّ مِنَ النَّمَاتِ اللَّهُ بِكَلِمَاتٍ أَعُوذُ

Хавла бинт Ҳаким Суламия розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бир манзилга тушгандан кейин «Аъузу бикалимаатиллааҳит-тааммаати мин шарри маа холақ» деса, унга ўша манзилидан жўнаб кетгунича ҳеч нарса зарар етказмайди», деганларини эшитганман».

Имом Муслим ривоят қилган.

* Дуонинг маъноси: «Аллоҳнинг мукаммал калималари билан У Зот яратган барча нарсаларнинг шарридан паноҳ тилайман»

Шарҳ: Ҳар бир жойнинг Аллоҳ таолонинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган аҳолиси бўлади. Шунинг учун сафарда бирор жойга тушган одам «Аллоҳнинг мукаммал калималари билан У Зот яратган барча нарсаларнинг шарридан паноҳ тилайман» деган маънодаги дуони ихлос билан бир неча марта ўқиб қўйиши лозим.



الْعَلِيمُ السَّمِيعُ وَهُوَ السَّمَاءِ فِي وَلَا الْأَرْضِ فِي شَيْءٍ اسْمِهِ مَعَ يَضُرُّ لَا الَّذِي اللَّهُ بِسْمِ

Дуонинг маъноси: «Исми бирга бўлганда кўкда ҳам, ерда ҳам ҳеч нарса зарар қилмайдиган Аллоҳнинг номи ила. У Зот эшитувчи ва кўрувчидир».

Абон ибн Усмондан, у отаси розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Ким «Бисмиллаҳиллазии лаа язурру маъа исмиҳи шайъун фил арзи ва лаа фис-самааи ва ҳувас-самийъул алийм»ни уч марта айтса, кеч киргунча унга тўсатдан келадиган бало етмайди», деганларини эшитдим».

Ихлос, Фалақ ва Ан-Наас сураларини ўқиб юриш.

عن معاذ بن عبد الله رضي الله عنهما، عن أبيه قال :
أصابنا طش وظلمة، فانتظرنا رسول الله ليصلي بنا،

فخرج فقال: قل، قلت: ما أقول؟ قال

:ثاب پ بڑ والمعوذتين حين تمسي وحين تصبح لا يكفياك كل شيء .

رواه النسائي في الاستعاذة.

Муъоз ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо, у отасидан ривоят қилинади: «Биз ёмғир ва зулматда қолдик. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг бизга намоз ўқиб беришларига интизор бўлдик. У зот чиқдилар ва: «Айт», дедилар. «Нимани айтаман?» дедим.

«Қул ҳуваллоҳу аҳад» ва муъаввизатайнни кеч кирганда ҳам, тонг отганда ҳам уч марта айт. Сенга ҳар бир нарсада кифоя қилади», дедилар».

Насоий ривоят қилган.



Muslimaat.uz

**ҚУВАЙТ ДАВЛАТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ
ХИЗМАТИ**

